

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ПСИХИАТРИЯ ЁРДАМИ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Аҳолининг руҳий соғлигини текширувдан ўтказиш, руҳий ҳолати бузилган шахсларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш, уларни даволаш, парваришлаш ва тиббий-ижтимоий жиҳатдан тиклаш тиббиёт соҳасидаги давлат сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Ушбу йўналишда зарур ҳуқуқий ва моддий-техника базаси яратилди, малакали врач-психиатрлар билан таъминланган ҳамда замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган психиатрия шифохоналари ва психоневрология диспансерлари (кейинги ўринларда — психиатрия муассасалари) қурилди, аҳолига сифатли ва ўз вақтида психиатрия ёрдами кўрсатилишини ташкил этиш бўйича чоралар кўрилди.

Шу билан бирга, психиатрия ёрдами кўрсатиш соҳасидаги ишлар ҳолатини комплекс ўрганиш ақлий ривожланишдаги бузилишнинг сабаблари ва шарт-шароитларини эрта аниқлашга, тиббий хизматларнинг сифатига салбий таъсир қилувчи қатор тизимли камчилик ва муаммолар мавжудлигини аниқлади.

Хусусан, психиатрия муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг самарали ва замонавий механизмларини жорий этиш, шахс руҳий соғлигининг ҳисобини юритиш, унинг текширувдан ўтказилишини ташкил этиш, сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини ўз вақтида қўриш мақсадида психиатрия хизматини бошқариш тизимини туздан қайта қўриб чиқиш талаб қилинади.

Психиатрия муассасаларида врач-психиатрларнинг кескин етишмаслиги кузатишмоқда, бу эса беморларга барча зарур хизматлар турларини кўрсатиш, уларнинг эҳтиёжларини қондириш, мазкур соҳадаги ҳусусий тиббиётни, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартларида ривожлантиришга имкон бермайти.

Психиатрия муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилаш, уларни замонавий диагностика ва лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, беморларни парваришлаш ва даволаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича бир қатор қарорлар қабул қилинганлиги қарамай, уларнинг тўлиқ бажарилиши таъминлангани.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ФУТБОЛНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Истиқболли ва иқтдорли футболчиларни танлаш ва тайёрлашнинг самарали тизимини яратиш, миллий терма жамоалар ва профессионал футбол клублари учун сифатли спорт захирасини шакллантириш, халқаро талаб ва стандартлар асосида футбол бўйича тренер ва ҳакамларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини туздан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5368-сон Фармониға мувофиқ;

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон футбол ассоциацияси ва “Ўзбекнефтегаз” АЖнинг: “Бунёдкор” стадионини барча бино ва иншоотлари мажмуаси билан бирга (кейинги ўринларда “Бунёдкор” стадиони деб юритилади) футбол бўйича миллий терма жамоалар учун ўқув-масқ жараёнини ташкил қилиш ва спорт мусобақалари ва бошқа тадбирларни ўтказиш юзасидан Ўзбекистон футбол ассоциациясининг асосий базаси этиб белгилаш;

истикболли ёш футболчиларни кейинчалик профессионал тарзда тайёрлаш ҳамда футбол бўйича миллий терма жамоалар ва профессионал футбол клублари учун сифатли спорт захирасини яратиш мақсадида жойларда уларни танлаб олиш (селекция) ишларини амалга оширувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида болалар ва ўсмирлар футбол академиялари, шунингдек, Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузурда Республика болалар ва ўсмирлар футбол академиясини ташкил қилиш;

болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига ишга қабул қилинадиган футбол бўйича тренерлар номзодларини Ўзбекистон футбол ассоциацияси билан мажбурий келишиш тартибини жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузурдаги Футбол бўйича тренер ва ҳакамларни тайёрлаш республика мактабини тугатиб, футбол бўйича тренер ва ҳакамларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш вазифасини Ўзбекистон футбол ассоциациясига юклаш;

Ўзбекистон Футболчини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги филиалларини тугатиш ҳамда бўшаган маблағларни Ўзбекистон футбол ассоциациясига йўналтириш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

2. 2018 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш дастури иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

(Давоми 2-бетда).

Эътироф

«ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ҚЎШНИ ДАВЛАТЛАР БИЛАН ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ МУЛОҚОТИ ТУФАЙЛИ ЙИЛЛАР МОБАЙНИДА ШАКЛЛАНГАН «МУЗЛИК»НИ ЭРИТИШГА МУВАФФАҚ БЎЛДИ»

Жорий ҳафта Марказий Осиё халқлари учун унутилмас, тарихий воқеаларға бой бўлди. Чунончи, 15 март куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Остонаға ташриф буюриб, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг илк маслаҳат учрашувига ҳамда Қозоғистонда Ўзбекистон йили очилишиға бағишланган тантанали маросимда иштирок этди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев билан музокаралар ўтказди. Мазкур оламшумул ҳодисалар, табиийки, дунё оммавий ахборот воситаларида катта қизиқиш уйғотди.

Forbes

нинг янги даври бошланмоқда. Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти лавозимиға сайланиб, қўшни мамлакатларға амалға оширган ташрифлари ушбу даврнинг бошланиш нуктаси бўлди”, дея қайд этади “Forbes” журнали (АҚШ).

Бельгиянинг “EURACTIV” таҳлилий маркази экспертлари фикрича, 15 март куни Остонада бўлиб ўтган воқеаларни бир неча йиллар олдин, ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмас эди. “Ушбу ижобий жараённинг ҳаракатлантирувчи кучи — минтақанинг асосий субъекти бўлмиш Ўзбекистоннинг янги сиёсатидир. Айнан Ўзбекистон етакчиси Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё давлат раҳбарларининг маслаҳат учрашувини ўтказиш ташаббуси билан чиқди”, деб ёзади бельгиялик таҳлилчилар.

THE DIPLOMAT
Read The Diplomat, Know the Asia-Pacific

Япониянинг “The Diplomat” жур-нали “Яна биргаликда” номли мақо-

лани чоп этди. Унда таъкидланиши-ча, Тошкентнинг фаол ва прагматик дипломатияси туфайли бир пайтлар “дунёдаги энг тарқоқ минтақа” сифа-тида эътироф этилган Марказий Осиё аста-секин “ягона ҳудуд”ға айланмоқ-да. Остонадаги кўп томонлама учра-шувнинг асосий хусусияти шундаки, у минтақа элиталари ҳамда халқла-риға бирлик туйғуси ва келажакка ишонч берди.

НЕЗАВИСИМАЯ ПРАВА

Россиянинг нуфузли “Независимая газета” наشري прогноз қилишича, 2018 йил Марказий Осиё мамлакатлари алоқаларида “бурилиш нуктаси”ға айла-ниши мумкин. “Давлатлар раҳбарлари сўнги 13 йил мобайнида илк бора бир-галикда ва муҳими, минтақадан ташқа-ридаги мамлакатлар вакилларисиз йи-ғилмоқдалар. Саммит ҳақиқий дўстлик ришталари боғланишининг ибтидоси-дир”, дея қайд этади газета муҳбири.

Ўз навбатида, “РБК” ахборот агент-лиги “Минтақа ичидаги ҳамкорлик Ўзе-кистондаги ҳамда Ўзбекистон амалға оширган ўзгаришлар туфайли реаликка

РБК

САЙТ — ТЕЛЕКАНАЛ — ГАЗЕТА — ЖУРНАЛ

Мирзиёевнинг қўшни давлатларға буюр-ган ташрифларини эслатиб, олий дара-жадаги мулоқот йиллар мобайнида шаклланган “музлик”ни эритишға муваф-фақ бўлганини юқори баҳолайди.

Хитойнинг марказий газетаси “Жэньминь Жибао” Остонадаги учра-шувлар Марказий Осиёда савдо-иқти-содий алоқаларнинг кенгайишиға хизмат қилишини тахмин қилади. “Фуқа-ролар қўшни давлатларда ишлаб чиқа-рилган мах-сулотларни сотиб олиш имконига эға бўлиши ло-зим. Бу бизнес учун ҳам, давлатлар учун ҳам ҳар томонлама фойдалидир. Ҳамжиҳатлик, қардошлик ва ўзаро ёрдам — мана минтақадаги янги ат-мосфера қандай тамойиллар асосида қурилмоқда”.

Жанубий Корея пойтахти Сеулда жойлашган Сиёсий тадқиқотлар ин-ституту (Institute for Policy Studies) экспертлари эса “Ҳамкорлик изчил ри-

Institute for Policy Studies

вожланмоқ-да” мақола-сида Ўз-бекистон ҳамда Қозоғистон Президентларининг уч-рашувига эътибор қаратади. Ўзбекистон раҳбарининг Остонаға ташрифи, таҳлил-чиларнинг фикрича, Тошкент томонидан олиб борилаётган Марказий Осиёда ўзаро манфаатли мулоқотни мустаҳкам-лаш бўйича кенг миқёсли стратегиянинг таркибий қисмидир. “Қувонарлиси, минтақанинг бошқа давлатлари ҳам мазкур стратегияни қўллаб-қувватламоқ-да”, дейди мутахассислар.

Озарбайжоннинг “Trend” ахборот агентлиги Шавкат Мирзиёевнинг та ш қ и сиёсий фао-ли я т и га бағишлан-ган махсус мақолага

Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг қуйидаги сўзларини иқтибос сифатида келтиради: “Сиз-нинг ташаббусингиз билан ташкил этилган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг маслаҳат учрашуви минтақа мамлакатларининг барча соҳалардаги ҳамкорлигида муҳим ўрин тутади”.

«Халқ сўзи» мухбирлари Омонулло ҲАЙЗИЕВ, Анвар МИРЗАЕВ тайёрлади.

Элис УЭЛЛС: «Тошкент анжумани Афғонистоннинг Марказий Осиёға қайтиши рамзидир»

АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё масалалари бўйича ёрдамчиси ўринбосари Элис Уэллс ушбу фикрни Вашингтондаги Америка тинчлик институтида “Афғонистонда тинчлик ўрнатишда умид учқунлари” мавзuida ўтказилган давра суҳбати чоғида маълум қилди.

МУНОСАБАТ

Дипломат ўз нутқида жорий йилнинг февраль ойида Афғонистон пойтахтида бўлиб ўтган “Қобул жараёни” халқ-аро конференциясининг ик-кинчи йилигилини мобайнида Афғонистон Президенти Ашраф Ғани “Толибон” ҳара-кати билан тўғридан-тўғри музокараларни бошлаш тақ-лифи билан чиққанини эсла-тиб ўтди. Шу маънода, Элис Уэллснинг фикрича, Афғо-нистон бўйича бўлажак Тош-

кент конференцияси “Бугун мамлакатда ҳам, унинг хори-жий шериклари орасида ҳам етишмаётган ҳамжиҳатликни тиклашға, шакллантиришға имкон беради”.

— Мулоқотни бошлаш тақлифи билан чиққан Президент Ашраф Ғани аф-ғон муаммосини ҳал қилиш йўллариини мамлакат ичидан қидиришни талаб этган дунё ҳамжамиятининг шарт-ларидан бирини бажарди, —



деди АҚШ Давлат депар-таменти вакили. — Март ойининг охирида Ўзбекистон пойтахтида ўтказиладиган анжуман халқаро ҳамжамия-тининг Афғонистон етакчи-си ташаббусини қўллаб-қув-ватлашини ҳамда афғон халқиға ёрдам беришға тай-ёрлигини яна бир бор тас-диқлайди. Мазкур тadbир Марказий Осиёнинг муҳим ўрнини ифодалаган ҳолда, Афғонистоннинг минтақаға,

бу ердаги савдо йўллари ҳамда энергетика коммуни-кациялари тармоғиға қайти-шининг рамизи сифатида хизмат қилади.

Ёдингизда бўлса, 2017 йилнинг декабрь ойида Президент Ашраф Ғани Тош-кентға ташрифи чоғида ўз мамлакатини “Марказий Осиёнинг бир қисми”, деб атаган эди. Биз Афғонистон ва Марказий Осиё давлатла-ри ўртасидаги алоқаларнинг кенгайишини тўла қўллаб-қувватлаймиз. Зеро, бу Афғонистонда донорлар ҳамжамияти ҳамда халқаро ташкилотлар маблағларига боғлиқ бўлмаган миллий иқтисодиётни қуриш имкони-ни беради.

Ш. АНВАРОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Дастлабки натижалар

Чегаралар ва йўллар очилиши

туфайли ички бозорларимиздаги товарларнинг алоҳида турлари 20 фоиз арзонлашгани кузатилмоқда

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан олиб борилаётган кенг қўлам-ли ислохотлар бугун ўз самарасини бермоқда. Айниқса, қўшни давлатлар билан ўзаро ишонч ва дўстлик аънаналари асо-сида турли соҳаларда йўлга қўйилган алоқалар бунга катта замин ҳозир-лади, десак, айни ҳақиқат.

Бу, албатта, мамла-катларимизни боғлаб турган энг муҳим транс-порт йўлакларни очилиб, модернизация қилинган-и, ўзаро жорий этилган чегирмалар натижасида юк ташиш, аввало, тран-зит ҳажми ортиб бораёт-ганидан нишонадир.

Қолаверса, илгари маълум сабабларға кўра ёпилган чегара постлари-

нинг қайта тиклангани, уларда оддий фуқаролар-нинг келиб-кейтиши учун энгилликлар яратилганини халқимиз тарихий воқеа сифатида қабул қилди.

Қардош халқ вакилла-ри ўртасида борди-келди, савдо-сотик аънаналари янада мустаҳкамланиб бо-раяпти. Бири-бириға ин-тилган қалбларда умид учқунлари порлади, ўзаро дўстлик ҳамда ишонч му-носабатлари қарор топди.

Савдо-иқтисодий йўналишдаги натижалар-ға бир разм солайлик. Президентимиз Остона шаҳрида ўтказилган Мар-казий Осиё давлатлари раҳбарларининг масла-ҳат учрашувига бу ҳақда алоҳида тўхталиб, Ўзе-кистоннинг Қозоғистон,

Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон билан товар айирбошлаш ҳажми, ўтган йил аяқула-риға кўра, қарийб 3 мил-лиард долларни ташкил этиб, 20 фоиз ортгани-ни, ўзаро товар етказиб бериш ҳажми 2 баробар кўпайганини қайд этди. Яқин йилларда ўзаро савдо ҳажмини 5 милли-ард долларға етказиш мўлжалланаётганини билдирди. Бундан ташқа-ри, чегаралар ҳамда йўллар очилиши туфайли ички бозорларимиздаги товарларнинг алоҳида турлари 20 фоиз арзон-лашгани кузатилаётгани-ни таъкидлади.

(Давоми 3-бетда).

Ҳамкорлик



«Turkish Airlines» Самарқандға қатновни амалға оширмоқда

16 март куни “Turkish Airlines” авиакомпанияси самолёти Истанбул — Самарқанд — Истанбул йўналиши бўйича бирин-чи қатновни амалға оширди.

Бортида мазкур авиакомпания масъул ходимлари, туркиялик ва ўзбекистонлик йўловчилар бўлган замонавий ҳаво лайнери Самарқанд халқаро аэропорти-да тантанали қутиб олинди.

“Turkish Airlines” ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари Истанбулдан Самарқандға тўғри-дан-тўғри рейсларни йўлга қўймоқда.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ МАСАЛАРИ ДЕПУТАТЛАР ЭЪТИБОРИДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалға оширилаётган ислохотларни чуқурлаштиришға қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини қўриб чиқдилар.

Жумладан, Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксал-тириш миллий дастурининг янги таҳрирдаги лойиҳаси кенг муҳокама қилинди.

Мажлисида қайд этилгани-дек, Миллий дастурнинг мақ-сади қонун устуворлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эр-кинликлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, шахсда ҳалоллик, масъулият-лилик, уюшқоқлик, талабчан-лик, қонунға итоаткорликка асосланган ижтимоий-ҳуқуқий қадриятлар тизими-ни шакллантириш, қонун у-стуворлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишон-чли ҳимоя қилинишини таъ-минлаш, мажбуриятларнинг давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институллари, мансаб-дор шахслар ва фуқаролар томонидан виждонан бажарилишини ва ҳуқуқий норма-ларға риоя этилишини рағ-батлантириш орқали жами-ятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришдан иборат.

Шунингдек, юксак ҳуқуқий маданият — демок-ратик жамиятнинг асоси ҳамда жамият ва давлат ўртасидаги ҳуқуқий муноса-батлар етуқлигининг кўрсат-кичи ҳамда ижтимоий муно-сабатларни ва жараёнлар-ни тартибға солишға фаол таъсир кўрсатувчи омил эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Жамиятда ҳуқуқий мада-ниятни юксалтириш миллий дастурининг янги таҳрирда қабул қилиниши ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий давлат барпо этиш-даги тизимлиликнинг белги-сидир. Шу қаторда дастур-нинг амалға татбиқ этили-ши аҳолининг ҳуқуқий ма-данияти ва ҳуқуқий онгини юксалтиришға, мамлакатий-микс фуқароларида Консти-туция билан қафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларға ишонч ва қатъийликни шакл-лантиришға олиб келади.

Қайд этиб ўтилганидек, ушбу дастурнинг қабул қили-ниши қундалик ҳаётда қонун меъёрлари тўғри татбиқ эти-лишиға, ҳуқуқий ҳужжатлар-ни ҳатосиз расмийлашти-ришға, давлат хизматчила-рида ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни янги босқич-ға кўтаришға ҳамда улар-да қонунларға ҳурмат ру-ҳини шакллантиришға олиб келади.

Мажлис давомида пар-ламент Қонунчилик палата-сининг ваколатлариға таал-луқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Рухий ҳолатлар бузилишининг олдини олиш ва даволаш бўйича ишни янада такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси психиатрия хизмати муассасаларининг фаолияти самарадорлигини ошириш, хусусий тиббиётни ривожлантириш, малакали врач-психиатрлар тайёрлаш мақсадида:

1. Аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб куйидагилар белгилансин:

даволаш, профилактика ишлари ва руҳий ҳолатнинг бузилишини эрта аниклашни ташкил этишнинг вертикал яхлит тизимини шакллантиришни таъминлаш орқали психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини самарали бошқариш механизмини жорий эттиш;

мамлакатнинг ҳар бир аҳоли пунктида аҳолининг барча тоифалари, айниқса, болалар ва ўсмирлар учун сифатли ва қулай психиатрия ёрдамини таъминлаш, шунингдек, руҳий ҳолати бузилган шахсларни даволаш учун дори воситаларига сарфланадиган харажатларнинг ягона мажбурий нормативларини белгилаш;

аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш, психиатрия муассасаларининг врач-психиатрларга бўлган эҳтиёжини қондириш, уларнинг малакасини мунтазам равишда, шу жумладан, хорижнинг етакчи клиникалари ва тиббиёт ташкилотларида ошириб бориш;

Ўзбекистон Республикаси психиатрия хизмати муассасаларининг айрим функцияларини соғлиқни сақлашнинг хусусий секторига ўтказиш, аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш учун инвестициялар жалб қилиш;

ўз жонига қасд қилишга уринган шахсларга туну кун шошилинч ёрдам кўрсатилишини таъминлаш, шу жумладан, ўз жонига қасд қилишнинг асл сабаблари ва шарт-шароитларини аниклаш, ўз вақтида ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш чораларини қўриш, ўз жонига қасд қилишнинг ҳар бир ҳолати ҳақида психиатрия муассасаларини зудлик билан хабардор қилиш;

психиатрия соҳасида фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотларни фаоллаштириш, уларнинг натижалари ва ютуқларини руҳий ҳолати бузилишнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирларни такомиллаштиришга хизмат қиладиган амалий фаолиятга кенг жорий эттиш;

аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимининг самарали фаолиятини таъминловчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш, психиатрия муассасаларининг,

шунингдек, улар бўлинмаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, уларни тиббиётнинг замонавий асбоб-ускуналари ва техникалари билан жиҳозлаш.

2. 2018 йил 1 майдан бошлаб хусусий тиббиёт ташкилотларига руҳий ҳолат бузилишини ва хулқ-атвор бузилишини ташхис қилиш ва даволаш бўйича руҳий хизматлар кўрсатишга рухсат этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон хусусий амалиёт врачлари уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда руҳий ҳолати бузилишини ва хулқ-атвор бузилишини ташхис қилиш ва даволаш бўйича хусусий тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар рўйхатини тасдиқласин.

3. 2018 йил 1 октябрдан бошлаб диспансер кузатуви остидаги шахслар тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг психиатрия муассасаларида қанча муддат бўлганликлари, берилган дори воситалари, кўрсатилган ижтимоий хизматлар ва тақдим қилинган имтиёزلардан иборат бўлган, шунингдек, бу соҳадаги ишларнинг ҳолати тўғрисида тезкор ахборот олиш имконини берувчи ушбу шахсларнинг ягона электрон реестри юритилиши амалиётга жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда диспансер кузатуви остида бўлган шахсларнинг ягона электрон реестрини яратиш ва ушбу бандда белгиланган муддатларда Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ишга туширишни таъминласин.

4. 2018 йил 1 апрелдан бошлаб ички ишлар органлари ўз жонига қасд қилинган ҳар бир ҳолат тўғрисида психиатрия хизмати муассасаларига зудлик билан хабар бериши белгилаб қўйилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 майга қадар бўлган муддатда психиатрия муассасаларини ўз жонига қасд қилиш ҳаракатлари тўғрисида мажбурий равишда хабардор этиш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқласин, шунингдек, аҳоли ўртасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш масалаларини ўргансин ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳайъат мажлисларида муҳокама қилиб борсин.

5. Рухий ҳолати бузилган шахсларнинг, шу жумладан, ногиронларнинг меҳнат терапияси, уларни янги касбларга ўқитиш ва ишга жойлаштириш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги психиатрия муассасалари ҳудудида давлат-хусусий шериклик шартларида даволаш-ишлаб чиқариш корхоналари тузилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

Футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

3. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон футбол ассоциацияси, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг:

фуқаролар йиғинининг вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияси раҳбарлари вазифасини фуқаролар йиғинлари раислари ўринбосарлари — ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчилар зиммасига юклаш;

фуқаролар йиғинлари раисларининг ўринбосарлари — ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларни Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Ўзбекистон футбол ассоциацияси маблағлари ҳисобидан моддий рағбатлантириш тартибини жорий этиш тўғрисидаги тақлифлари қўллаб-қувватлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, фуқаролар йиғинларининг вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялари:

футбол ва бошқа спорт турларини оммалаштириш, соғлом турмуш тарзига ўргатиш, маҳаллаларда истиқомат қилувчилар орасидан истикболли ва иқтидорли болалар ва ёшларни танлаб олиш (селекция) ишларини ташкил этиш масалаларида туман (шаҳар) жисмоний тарбия ва спорт бўлиmlлари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаblлари, болалар ва ўсмирлар футбол академиялари, спорт федерация (ассоциация)ларининг ҳудудий бўлинмалари билан ҳамкорлик қилadi;

маҳаллаларда футбол майдонлари ва бошқа спорт иншоотларини ободонлаштиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, туман (шаҳар) жисмоний тарбия ва спорт бўлиmlлари, Ўзбекистон футбол ассоциациясининг ҳудудий бўлинмаларига кўмаклашadi.

5. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон футбол ассоциацияси билан биргаликда икки ой муддатда:

маҳаллаларда футбол майдонлари қурилишини, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартларида қурилишини назарда тутувчи “Ҳар бир маҳаллада футбол майдони” дастурини;

фуқаролар йиғинлари раисларининг ўринбосарлари — ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларни моддий рағбатлантириш тартибини тасдиқлаш тўғрисидаги ҳукумат қарорлари лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ўзбекистон футбол ассоциацияси, Фарғона ва Тошкент вилоятлари ҳокимликларининг:
ҳомийлик маблағлари ва Фарғона вилояти маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларини молиялаштириш манбаси этиб белгиланган ҳолда, ўзбек футболининг 105 йиллигига бағишлаб Фарғона вилояти Қўқон шаҳрида замонавий футбол стадиони қуриш;

ҳомийлик маблағлари, Ўзбекистон футбол ассоциацияси

мблағлари ва Тошкент вилояти маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларини молиялаштириш манбаси этиб белгиланган ҳолда, суд томонидан давлат даромадига ўтказилган Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги “Сижжак” дам олиш маскани негизида Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузурида футбол бўйича миллий терма жамоалар учун ўқув-машғулот базасини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифлари маъқулансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Қўқон шаҳрида футбол стадиони қурилишини ва Бўстонлик туманида ўқув-машғулот базасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон футбол ассоциацияси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари фаолиятини танқидий ўргансин ва натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

уларнинг негизида 14 та ҳудудий болалар ва ўсмирлар футбол академиялари ва Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузурида Республика болалар ва ўсмирлар футбол академиясини ташкил қилиш, уларни Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизимидан Ўзбекистон футбол ассоциацияси тасарруфига ўтказиш ҳамда амалдаги молиялаштириш тартибини сақлаб қолишни;

футбол бўйича бошқа давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатларини ҳудудларда спорт турларини ривожлантириш зарурати ва устуворлигини инобатга олган ҳолда, бошқа олимпия ва миллий спорт турлари, шу жумладан, спортнинг ўйин турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатларига қайта ихтисослаштириши;

болалар ва ўсмирлар футбол академияларига, шунингдек, қайта ихтисослаштирилаётган давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатларига бериладиган бино ва иншоотларни реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлашни босқичма-босқич амалга ошириш дастурини тасдиқлашни;

ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатларидаги футбол бўлиmlларини қисқартириш ва бўшаётган ўқувчи қабул қилиш квоталарини олимпия ва миллий спорт турларига, шу жумладан, спортнинг ўйин турларига йўналиштириши;

Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳузуридаги Республика болалар ва ўсмирлар футбол академиясини “Бунёдор” стадионига жойлаштиришни назарда тутувчи ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

“Бунёдор” стадиони бинолари ва иншоотларидан фойдаланиш дирекцияси” МЧЖ “Бунёдор” стадионидан фойдаланувчи ташкилот ҳисобланади;

“Бунёдор” стадиони бинолари ва иншоотларидан фойдаланиш дирекцияси” МЧЖни (кейинги ўринларда — Дирекция), шунингдек, “Бунёдор” стадионини сақлаш ва ундан фойдаланиш харажатларини молиялаштириш манбалари “Ўзбекнефтгаз” АЖ ва Дирекция маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобланади;

Даволаш-ишлаб чиқариш корхоналари 2018 йил 1 июлдан 2023 йил 1 январгача ер солиғи, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ва мулк солиғидан, шунингдек, ягона солиқ тўловидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда ушбу бандни амалга ошириш бўйича зарур ташкилий чоралар кўрсин.

6. Куйидагилар:

Аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга доир биринчи галдаги чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ;

Психиатрия муассасаларини 2018 йилда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш)га доир чора-тадбирлар дастури 2-иловага мувофиқ;

2018 — 2020 йилларда республика психиатрия муассасаларининг биноларини қуриш ва реконструкция қилишга доир чора-тадбирлар дастури 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А. К. Шодмонов, вазирлик ва идоралар раҳбарлари кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар дастурларида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилиши учун шахсан жавобгар эканликлари белгилансин.

Молия вазирлиги мазкур қарорнинг 2-илоvasида кўрсатилган тиббиёт асбоб-ускуналарини харид қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан зарур маблағларни ажратишни назарда тутсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
чора-тадбирлар дастурлари бажарилишининг боришини ҳар ойда танқидий муҳокама қилиб борсин;

муҳокамалар яқуни бўйича топширилган вазифаларнинг муддатлари бузилиши ва бажарилиши узилиб қолишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан қатъий жавобгарлик чораларини қўлласин;

икки ой муддатда 2018 — 2020 йилларда врач-психиатр тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва хорижнинг етакчи клиника ҳамда тиббиёт муассасаларида малакасини ошириш дастурини тасдиқласин;

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб давлат гранти асосида “психиатрия” йўналиши бўйича магистрларни тайёрлаш юзасидан олий тиббиёт таълим муассасаларига, жумладан, Тошкент тиббиёт академиясига — 15 нафар, Тошкент педматрия тиббиёт институти, Андижон давлат тиббиёт институти, Бухоро давлат тиббиёт институти, Самарқанд давлат тиббиёт институтига — 10 нафардан қабул квоталарини оширишни назарда тутсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш

вазирлигининг Даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш бош бошқармаси таркибида вазирликнинг умумий бошқарув ходимлари сони доирасида 3 бирлик миқдорда психиатрия ёрдами масалалари бўйича бўлим тузилсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки ҳафта муддатда янги тузилаётган бўлимини юқори малакали кадрлар, биринчи навбатда, тажрибали врач-психиатр ва невропатологлар билан тўлдирсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб:

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Самарқанд давлат тиббиёт институти ва Андижон давлат тиббиёт институтларида базавий тиббиёт маълумотига эга бўлган врачлар учун уларнинг ўртача ойлик иш ҳақини сақлаган ва хизмат сафари харажатларини қоплаган ҳолда, “психиатрия” ва “суицидология” йўналишларида ихтисослашув курсларини ташкил қилсин;

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали, Тошкент педматрия тиббиёт институти Нукус филиали, Андижон давлат тиббиёт институти ва Самарқанд давлат тиббиёт институтида “психиатрия” йўналиши бўйича клиник ординатурада ўқиш учун ўринлар сонини 10 нафаргача оширсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2863-сон қарори иловасининг 2-бандидаги рус тили матнидаги “психических заболеваний” сўзлари “отдельных психических заболеваний” сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р. С. Қосимов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О. Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А. К. Шодмонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 16 март	
Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 16 март	

озиқ-овқатлари билан овқатланишини, шунингдек, уларни мукофотлаш (рағбатлантириш)ни ташкил этишга сарфланадиган маблағлар жисмоний шахсларнинг даромадлари ҳисобланмайди.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон футбол ассоциациясининг талабномаларига кўра хориждан жалб этиладиган мутахассисларга консуллик ва бошқа йиғимларни ундирмаган ҳолда кириш визаларининг расмийлаштирилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон футбол ассоциациясининг талабномаларига кўра хориждан жалб этиладиган мутахассисларга давлат божи ундирмаган ҳолда кўп марталик кириш визалари расмийлаштирилиши, берилиши ва муддатининг узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилиши ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ўзбекистон футбол ассоциациясининг талабномаларига кўра ўрнатилган тўловларни ундирмаган ҳолда Ўзбекистон Республикасига чет эл мутахассисларини жалб этишга рухсатномалар берилиши (узайтирилиш)ни, шунингдек, кўрсатилган чет эл фуқароларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига тасдиқномалар берилиши (узайтирилиши)ни белгиланган тартибда таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда “Бунёдор” стадионининг Ўзбекистон футбол ассоциацияси балансига ўтказилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Адлия вазирлиги, Ўзбекистон футбол ассоциацияси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:
Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳудудий бўлинмаларининг раҳбарияти ва маъмурий таркиби (аппарат)нинг намунавий тузилмасини янгилаш, шунингдек, уларнинг ходимларини моддий рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш;

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ. В. Акмалов, Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири Ш. Х. Исраилов, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси У. М. Ахматжанов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О. Б. Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 16 март	

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

Чет элларда диний экстремистик ташкилотлар таъсирига тушиб, йўлдан адашган ватандошларимизнинг юртимизга қайтиши муносабати билан Самарқандда ўтказилган анжуман жамоатчилик орасида катта акс садо берди.

Хуқуқни муҳофаза қилиши органлари ҳудудий бошқармалари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган тадбирда ҳали-ҳануз ўз уйига қайтиб келмаганларнинг ота-оналари, яқин қариндошлари ҳам қатнашди. Йўғилишни олиб борган Самарқанд вилояти ҳокими Тўробжон ЖўРАЕВ унинг натижалари ҳақида муҳбиримиз саволларига жавоб қайтарди.

АДАШГАНЛАРГА ИМКОН БЕРИЛАДИ

— **Тўробжон Икромович, юзлаб ватандошларимизнинг радикал диний оқимлар таъсирига тушиб қолиши сабаблари ҳамда уларни ортга қайтаришда таъйиб қўқувидан халос этиш ҳақида қандай фикрдасиз?**

— Узоқ йиллар ҳўкм сурган мустабид тўзум барҳам топгач, мамлакатимизда нафақат иқтисодий, балки мафқуравий муаммолар ҳам авж олди. Ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий, руҳий тарбия масалаларида жамиятда бўшлиқ юзага келди. Бу эса маданий-маънавий қадриятларнинг сусайишига олиб келди. Ислом динининг ҳақиқий инсонпарварлик ғояларини бузиб талқин қилиш ҳолатлари кузатилди. Мана шундай мураккаб бурилиш давридан мамлакатда террорчилик, экстремистик мақсадларда фойдаланиб қолишга интилиш кучайиб борди. Одамлар руҳига таъсир этувчи турли-туман усулларни қўллаб, молиявий заҳираларни ишга солган ҳолда эндигича тета-поя қўлаётган ёш суверен республикадаги тинчлик ва барқарорликка дахл этмоқчи бўлдилар. Афсуски, ўша пайтларда ҳали диний-мафқуравий иммунитети шаклланиб улгурмаган қўллаб ёшларимиз уларнинг тўзогоига тушиб қолди.

— **Мамлакатимизда қачонлардир ана шундай мутаассибликка берилиб, “қора рўйхат”дан ўрин олган Ўзбекистон фуқароларини ортга қайтариш йўлида олиб борилаётган амалий саъй-ҳаракатлар юртимизда инсонпарварлик тамойиллари ҳўқронлигини ифода этади...**

— Дарҳақиқат, Ўзбекистон бугунги тарихий босқичда ҳар бир фуқаронинг ҳаёти ва тақдирини давлатнинг энг олий қадрияти эканлиги туфайли тараққиётнинг янги поғонасига чиқди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси ҳамда қатъий саъй-ҳаракатлари асосида йиллар давомида йўғилиб қолган муаммолар ҳал қилинмоқда. Демократия, баргиркенглик, очиклик жамиятимизга хос бўлиб бораёпти. Аҳоли руҳий иммунитетини мустаҳкамланаётгани, диний маърифатнинг бугунги ривожланишимизга ҳамоҳан бўлишига жиддий эътибор қаратилаётгани ҳам шундан далолатдир. Масалан, Президентимиз ташаббуси билан Самарқанд вилоятида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилмоқда. Шунингдек, Ўртбосчимиз диний экстремистик оқимлар таъсирига тушганларни Ватанга қайтаришда уларнинг дахлсизлигини таъминлаш,

Ринат АБДУЛМАНОВ
сўхбатлашди.

Депутат фикри

Марказий Осиёнинг барқарор тараққиёти кафолати

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан 15 март куни Остона шахрига қилган амалий таширфи икки қардош мамлакат ўртасидаги яхши қўшнилик ва дўстона муносабатлар мустаҳкамлиб бораётганини яна бир бор исботлаб берди. Сўнгги икки йилда Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон ўртасидаги манфаатли ҳамкорлик алоқалари фаоллашгани, шу давр ичида олти маротаба турли даражадаги таширфлар амалга оширилгани, халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида учрашувлар бўлиб ўтгани ҳар икки давлат раҳбарларининг сиёсий ирода намоиши этганиликларини тасдиқлайди.

Айниқса, иқтисодий алоқалар жадал равнақ топиб бораётир. Чунончи, бугунги кунда темир йўл транспортини орқали юкларни ташииш 44 фоиз ошгани ҳамда ўзаро товар айирбошлаш ҳаҳими 2 миллиард АҚШ долларига етгани қувонарлидир. Мазкур кўрсаткични 5 миллиард АҚШ долларига етказиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар икки томонлама алоқаларнинг нечоғли юксак суръатларни ривожланаётганини кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил қилинган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашуви минтақа мамлакатларининг барча соҳадаги ҳамкорлигини муҳим ўрин тутаятгани, 2017 йилнинг март ойда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида стратегик шерикликини янада чуқурлаштириш ва аҳил қўшниликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги Қўшма декларация ҳамда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида эришилган турли даражадаги 212 та келишув тарихий аҳамият касб этиши Қозоғистон раҳбари томонидан алоҳида эътирофни топди. Шунингдек, Ўзбекистонда олиб борилаётган оқилона сиёсат бугун бутун минтақага ижобий таъсир кўрсатаётгани самараси ўлароқ, Марказий Осиё давлатлари ўртасида ҳал қилиб бўлмайдиган масаланинг ўзи қолмагани ҳам алоҳида таъкидланди.

Маълумки, 2018 йил Қозоғистон Республикасида Ўзбекистон йили, деб эълон қилинган эди. Президентимизнинг ташрифи давомида шу муносабат билан ташкил этилган тантанали маросимнинг расмий очилиш маросимида нафақат Ўзбекистон ва Қозоғистон, балки Қирғизистон, Тожикистон Президентлари ҳамда Марказий Осиё давлатлари делегациялари аъзолари, дипломатик корпус вакиллари, хорижлик фаҳрий меҳмонлар ҳам қатнашгани мазкур тадбир икки халқ ўртасидаги маданий алоқаларни янада ривожлантириш, ўзаро тажриба алмашиш ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнагани намоён қилди. Тадбир асосида Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев икки томонлама муносабатларни ривожлантириш йўлидаги улкан хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси

Жисмоний тарбия ва спорт ривожида янги босқич

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ҳамда спортни ривожлантириш борасида яқинда яна бир муҳим қадам ташланди. Гап шундаки, жорий йил 5 март куни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тўдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

СЕНАТОР МУШОҲАДАСИ

Жисмоний тарбия ҳамда спортни ривожлантириш ва спортчиларнинг жаҳон арена-лаш тизимини изчил йўлга қўйиш учун, энг аввало, спортни аҳолининг кенг қатламлари орасида оммалаштириш долзарб аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, Фармонда айнан шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилган. Зеро, қаердаки спорт оммалашар экан, ўша ердан иқтидорли, юрт донини таратадиган спортчилар етилиб чиқади. Масалан, футбол ифтихори бўлган Бразилияда етти ёшдан етмиш ёшгача одамлар тул тепади. Шундай бўлгач, энг иқтидорли ёшлар ўз-ўзидан сараланиб, терма жамоа сафига олинаверади. Бошқа

спорт турлари бўйича ҳам шундай дейиш мумкин.

Мен шу соҳа ходими бўлганим боис давлатимиз раҳбарининг ушбу Фармонини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Очигини айтганда, соҳанинг ҳар бир жабаҳасини қамраб оладиган, бутун бошли янгича тизим яратадиган бу каби ҳужжат бугунги янгилашиллар даврида сув ва ҳаводек зарур эди.

Айниқса, жисмоний тарбия ҳамда спортни ташкил этишда қатор хато ҳамда камчилиқлар бўйғилиб қолган, уларни бартараф қилмай туриб, соҳани ривожлантириб бўлмасди. Мазкур Фармон билан бу масалаларга ечим топиш тизими яратилди. Аввало, Ўзбекистон

ЖАРАЁН3Чегаралар ва йўллар очилиши

туфайли ички бозорларимиздаги товарларнинг алоҳида турлари 20 фоиз арзонлашгани кузатилмоқда

◀(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ҳақиқатан ҳам, шундай. Бугун бозорларимизга тушиб, бир айлансангиз, нарх-навонинг мақбуллашганига гувоҳ бўласиз, — дейди Тошкент вилоятилик тадбиркор Фуркат Толипов. — Масалан, конфет, шоколад ва бошқа турдаги ширинликлар, қаҳва, ёғ, совун каби маҳсулотлар, шунингдек, кир ювиш машиналари, музлаткич, дамол каби маиший техника воситаларининг нархлари сезиларли даражада пасайди. Албатта, буларнинг барчаси давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қўшни давлатлар билан чегараларнинг очилгани, савдо алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида тадбиркорларга берилаётган имтиёзлар туфайлидир. Бундан биз ҳам, халқимиз ҳам хурсанд.

Нарх-навонинг арзонлашгани жисмоний шахслар томонидан товарлари божхона чегарасини орқали олиб ўтиш тартибининг янада соддалаштирилгани билан ҳам бевосита боғлиқ.

Табиийки, бунда Президентимизнинг 2018 йил 6 февралдаги “Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қарор жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтишни тартибга солиш, божхона расмийлаштирувидан ўтказиш шароитларининг умумэтироф этилган жаҳон стандартлариға мувофиқлигини таъминлаш, божхона расмийчилигини соддалаштириш, шунингдек, божхона чегарасини кесиб ўтадиган жисмоний шахслар учун янада қулай шарт-шароитларни яратиб берди.

— Мазкур ҳужжат билан жисмоний шахслар томонидан товарлар-

шуғулланмаслик шартини пенсияси тўлиқ миқдорда тўланиши, спорт ташкилотлари раҳбарлиғига аввал шуғулланган профессионал фаолият туридан қатъи назар, олий маълумотли ва бошқарув соҳасида амалий қўнмақча эга бўлган шахслар тайинланиши, шунингдек, тренерларга имтиёзлар берилиши барчанин қувонтирди. Бундай эътибор ҳамда ғамхўрликдан сўнг мамлакатимизда спорт янада тараққий топиши, шубҳасиз.

Қолаверса, жисмоний тарбия ва спорт билан ёшлар мактабгача таълим муассасасига кирган пайтдан шуғуллана бошлайди. Кейин улар мактаб даврида, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини муассасаларида ҳамда олий таълим даргоҳларида узвий равишда қамраб олинади. Яъни жисмоний тарбия ҳамда спорт ҳар бир ўғил-қизнинг доимий ҳамроҳига айланади. Ушбу тизим, аввало, ёш авлоднинг баркамол бўлиб ўлғайишига қўймаклашади. Улар орасидан жаҳон андозаларига жавоб берадиган, етук спортчилар етилиб чиқиб, Ватанимиз шарафини Олимпиада ва дунё биринчилиқларида муносиб ҳимоя қилади ҳамда юртимиз байрогини баланд қўтаради.

Рустамали МАЖИДОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози.

Табаррук манзиллар овод бўлмоқда

Жорий йилнинг 22 февраль куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида хорижий туристлар оқимини кўпайтириш ва ички туризмни янада ривожлантириш, сайёҳлик хизматларини яхшилаш ҳамда турларини кенгайтириш бўйича қўрилаётган чоралар натижасига бағишланган видеоселектор йўғилиши ўтказилди. Мажлисни кузатиш асосида қўллаб фикрлар уйғонди. Улуғ аждодлар авлоди сифатида кўнгилда гурур ҳисси жўш ўрди.

МУНОСАБАТ

Чиндан ҳам, Ўзбекистоннинг кўз-кўз этишга арзийдиган тарихий ёдгорликларни кўп. Бетакор табияти, сўлим, ҳамда боғлари, пуर्वикор тоғлари бор. Айни шу жиҳати билан юртимиз ҳар қандай диди нозик сайёҳни ҳам ўзига жалб эта олади. Бу замин бешигида улғайган зотлар бутун ислом оламида машҳур экани ҳам дунё нигоҳини она-диёримизга қаратиб турибди. Улуғ муҳаддислар, фақиҳ уламолар, Нақшбандия тариқати пирлари, шоиру адиблари билан ҳар бир миллат-дошимиз ифтихор этса арзийди.

Табиийки, уларнинг ҳаққига дуо қилиш мақсадида зиёратга келувчилар, бетакор обидаларни кўриш иштиёқида олис ва яқин ўлкалардан қадам ранжида қилганлар учун барча шарт-шароит яратиб берилиши зарур ва лозим. Чунки “Очик осмон остидаги музей” сифатида таърифланувчи Самарқанд Бухоро, Хоразму Шаҳрисабз доғруғи етти иқлимга кетган. Бинобарин, илму маърифат маъшайларни нури шу ерда осмон қадар қўрилаган.

Давлатимиз раҳбари ана шу жиҳатни алоҳида эътиборга олиб, бу борада эзгу ва хайрли ташаббусларни амалга ошираётгани кўнгилни янада қарогон айлаятти. Президентимиз ҳар сафар бунёдкорлик ишлари, иқтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан яқиндан танишиш ҳамда

халқ билан мулоқот қилиш ниятида худудларга таширфи аввалида ишни муво рақ қадамжоларни зиёрат етишдан бошлашда дулуғ ҳикмат бор. Тошкентда Ислом маданияти, Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот, Сурхондарёда Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари фаолиятининг йўлга қўйилиши замирида ҳам улуғ аждодлар, уларнинг бебаҳо меросини ўрганиш ҳамда тарғиб этишдек юксак хайрли мақсадлар муҷассам. Мамлакатимизда янги-янги иншоотлар, бинолар, уйлар бунёд этилиши баробарида, буюк болаларимиз макбаралари таъмирига қатта эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. Муҳаддис болалар Имом Бухорий, Имом Термизий, калом илмининг буюк намояндаларидан бири Абу Муин Насафий, Нақшбандия тариқати пирлари қадамжоларини обод этиш билан боғлиқ ишларнинг микёси шу қадар салмоқлики, шўқроналар айтсан, дилинг равшан тортади.

Йўғилишда давлатимиз раҳбари, “Юртимизда ислом дунёсида тан олинган алломуларнинг макбаралари, табаррук қадамжолар кўп. Масалан, турли вилоятларда Нақшбандия тариқатини тарғиб қилган 12 уламоннинг қабри бор. Биз ҳозир уларнинг 8 таси, яъни Бухородаги “Етти пир” ва Самарқанддаги “Хўжа Аҳрор Валий” зиёратгоҳларини обод қиляпмиз. Лекин Сур-

хондарёдаги Муҳаммад Зоҳид Бухорий, Аловуддин Аттор ва Қашқадарёдаги Муҳаммад Дарвеш, Муҳаммад Икмангай макбаралари таъмирга муҳтож”, дея таъкидладилар. Бундан ангшлаиладик, мамлакатимиздаги ҳар бир табаррук зиёратгоҳ Президентимиз эътиборида. Бу эса одамлар маънавий оламиға кўтаринки руҳ олиб кирмоқда. Фарзандларимиз улуғ бобою момолари ким эканлигини теран англаяптилар. Имон-эътиқод каби тушунчалар чинакам ҳаёт тарзимизга айланмоқда. Аслида инсон мартабаси покиза имон ва эътиқод билан баҳоланади.

Мамлакатимиздаги ҳар бир табаррук зиёратгоҳ Президентимиз эътиборида. Бу эса одамлар маънавий оламиға кўтаринки руҳ олиб кирмоқда. Фарзандларимиз улуғ бобою момолари ким эканлигини теран англаяптилар. Имон-эътиқод каби тушунчалар чинакам ҳаёт тарзимизга айланмоқда.

Шу ўринда марқадлари Қашқадарёда бўлган икки улуғ пир, муридни қомил, силсила заҳаб, яъни олтин халқанинг 21, 22-вакиллари Мавлоно Муҳаммад Дарвеш ҳамда Мавлоно Муҳаммад Икмангай ҳақида бир оз сўз юритсак. Мавлоно Муҳаммад Дарвеш билан Ҳазрати Хожаги Икмангайи ота-бола ҳисобланади. Икмангайи ҳазратлари силсила омонатини оталари Муҳаммад Дарвешдан олган. У зот эса Мавлоно Муҳаммад Зоҳиддан, у киши эса Хожа Аҳрор Валийдан олган. Бу икки улуғ тариқат пирларининг макбаралари Китоб туманидаги Хўжайилмони ҳамда Хўжаиспароз қишлоқларида жойлашган. 1500 — 1600 йилларда яшаб, “Хожагон сардафари”, дея номланган Мавлоно Дарвеш Муҳаммад, “Пурқарам”, дея сифатланган

Мавлоно Хожаги Икмангайининг ҳаёт йўллари барчамиз учун ибратдир.

Носируддин Ҳанафий қаламиға мансуб “Тухфат уз-зоийрийн”, Шарофуддин Роқимийнинг “Тарихи Томм”, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Хонийнинг “Адаб” каби қатор рисоаларида Ҳазрати Муҳаммад Дарвеш ҳамда Ҳазрати Муҳаммад Икмангайи ҳақида маълумотлар берилган.

Бундан ташқари, замонамизнинг олиму ижодкорлари Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Садриддин Салим Бухорий, Сайфиддин Сайфуллоҳ, Мирзо Кенжабек, Абдусаттор Жуманазаров, Салоҳиддин Исомиддинов ҳам қатор изла-нишлар олиб боришган. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ўзининг “Тасаввуф ҳақида тасаввур” китобида Мавлоно Дарвеш Муҳаммад ҳақида, тўмладан "...Дарвеш Муҳаммад раҳматиллоҳи алайҳ ҳар би киши осон тушунадиган тилда содда ва равон сўзлайдиган олим эдилар. У кишида Хожа Муҳаммад Зоҳид ҳазратларига шоғирд тушиш иштиёқи пайдо бўлди. У киши бориб ўз устозларидан кўп нарсаларни ўргандилар...", деб ёзган бўлса, Икмангайи ҳазратлари ҳақида эса "...Ҳазрати Хожагайи Муҳаммад Икмангайи раҳматиллоҳи алайҳ тўма дарвеш эдилар... У зотға яқин бўлган ҳар бир киши файзларидан баҳра олар



эди...”, деб дарж этганлар. Ушбу мулоҳазаларнинг ўзи бу икки улуғ мурид-ниниғ ўз даврида қандай мартабаға эга бўлганлиқларини англатади.

Хўжайилмони ва Хўжаиспароз қишлоқларида ушбу зотларнинг сағана ҳамда хонақоҳлари бор. Давлатимиз раҳбари айтганидек, бугунги кунда улар таъмирга муҳтож. Бу манзилларға келувчи сайёҳлар учун ҳам шарт-шароитлар яратиш жуда муҳим. Чунки мазкур гўшалар ўз табияти билан зиёратчилару сайёҳларнинг меҳрини қозонишиға шубҳа йўқ. Хўжайилмонидаги қўкка буй қўзиб турган чинор олис тарихлардан сўзлаб турган бобоға ўхшайди. Ўша даврларда чинор бағридаги ҳўҳрада 20 — 30 чоғлик толиби илмлар сабоқ олган, деб ҳикоя қилишдаи кексалар. Бу ердаги чинор Сурхондарёнинг Сайробидаги чинордан аска улкан. 10 — 15 асрлик тарихға эга. Баланд тепалиқлар бағридаги қорғи шаклида қурилган сув йўли — сув иншооти ҳам болаларнинг улкан салохиятидан дарак беради. Тоғу тошлар остидан сизиб чиқаётган бўлоқ сувлари тумандаги бир нечта қишлоқни гул-гул янатиб турибди. Дарвоқе, Хўжаиспароздаги тут дараҳти остида бир вақтлар тариқат пири Мавлоно Дарвеш шоғирдлари билан сўх-

батлар қурган. Қишлоқнинг ўртасидан Қашқадарё ирмоғи — Оқсув дарёси оқиб ўтади. Хавза бўйларида сайёҳлар учун дам олиш жойлари қилинган. Бироқ уни замонавий талабларға жавоб беради, дейиш қийин.

Сўнгги пайтларда давлатимиз раҳбари томонидан ички ва ташқи туризмни ривожлантириш борасида бир қатор ҳўжжатлар имзоланди. Бу сайёҳлик ривожига юксак эътибордан далолат. Ушбу ҳўжжатларда соҳада йўғилиб қолган муаммоларни ҳал этиш, туризм салохиятини ошириш бўйича устувор ва сифофлар белғилаб берилди. Ички туризм учун қўллаб имтиёз ва енгилликлар тақдим этилди. Айни пайтда мазкур чора-тадбирлар ёш авлод қалбида Ватанин севishi, улуғ аждодларға эҳтиром кўрсатиш, она-юртимиз гўзаллигини асраб-авайлаш каби эзгу тўғйуларни шакллан-тириши билан ҳам аҳамиятлидир. Шундай экан, Мавлоно Муҳаммад Дарвеш ҳамда Мавлоно Муҳаммад Икмангайи табаррук хонақоҳларини янада обод этиш, уларни сайёҳлик марказларидан бириға айлантириш айнаи мўддаодир.

Ғайрат МАЖИД.



«Дўстлик» ордени
Навоий кон-металлургия комбинати
жамоаси

Ўзбекистон халқини яқинлашиб
 келаётган яшарин ва янгилашни айёми –

Наврўзи олам
 билан қизгин табриклайди!

Сизларга соғлиқ-саломатлик,
 бахт-саодат, хонадонингизга
 фаровонлик тилайди. Улуғ шоир
 ва мутафаккир Алишер Навоий
 айтганларидек, ҳар бир
 кунингиз Наврўз бўлсин,
 азиз юртдошлар!



KAPITAL SUG'URTA

Хурматли ҳамюртлар!

«KAPITAL SUG'URTA»
 акциядорлик жамияти жамоаси
 барчангизни баҳор айёми –
Наврўз байрами билан
чин қалбдан қутлайди!

Сизларга
 мустаҳкам соғлиқ,
 оилавий бахт,
 тинчлик-
 хотиржамлик
 ва
 доимо омад
 ёр бўлишини
 тилайди.

Хизматлар лицензияланган.



O'ZSANOATQURILISHBANK

Сизни она табиат уйғонишининг
 рамзи бўлмиш қадимий байрам –
Наврўзи олам
 билан муборакбод этамиз!

Оилангизга тинчлик-омонлик,
 бахт-саодат, файзу барака
 тилаймиз!

Эзгу орзу-ниятларимиз ушалсин,
 Ўзбекистонимиз янада
 обод ва фаровон бўлсин!

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ
 жамоаси.

Хизматлар лицензияланган.

Вақт давомида синалган ишонч!
www.uzpsb.uz



ТСГ

**МЧЖ ШАКЛИДАГИ «TECHNO CABLE GROUP»
 ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

Ўзбекистон халқини Наврўз айёми билан
 чин қалдан табриклайди!

Сизларга эзгулик, сийҳат-саломатлик, хонадонингизга
 тинчлик-тоқувлик, қут-барака, бахт-саодат
 ва дунёқорлик йўлидаги ишларингизда қилган
 зафарлар тилайди!

Байрамингиз муборак бўлсин, азизлар!

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
 Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
 Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан
 рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 345. 139 974 нусхада босилди,
 ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
 Девонхона (0-371) 233-52-55;
 Котибият (0-371) 233-10-28; Ўқовлар (0-371) 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлазмалар тақриз қилинмайди ва
 муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани
 расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор
 М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига
 «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
 Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
 100000,
 Тошкент шаҳри,
 Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
 Навбатчи муҳаррир — Ф. Абилов.
 Навбатчи — Ю. Бўронов.
 Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
 «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.40 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5 6